

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ АТРОФ –МУҲИТ ҲАҚИДАГИ ТАССАВУРЛАРИНИ ШАКИЛЛАНТИРИШ БЎЙИЧА МЕТОДЛАРИНИ ВА ШАКЛЛАРИНИ АНИҚЛАШ МАЛАКАСИНИНГ МАВЖУД БЎЛИШИ

Тоштемирова Муаззам Акмалжоновна

**Фарғона давлат университети, Зоология ва умумий биология
кафедраси ўқитувчиси**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7220898>

Аннотация: Ушбу мақолада бошланғич синф ўқувчиларда тасаввурлар ўртасида, бир томондан, ва идрок этишлар ўртасида, иккинчи томондан, оралиқ пайдо бўладиган образлар – изчил ва кўргазмали (эйдетик) образлар мавжудлиги булар ҳам, бошқаси ҳам ҳис қилиш органларини уйғотилишининг оқибатлари натижасида пайдо бўлиши ҳақида маълумот бериб ўтилди.

Калит сўз: тасаввур, идрок этиш, кўргазмали, эстетик образлар, фазовий тасвур.

Бошланғич синф ўқувчиларда табиатдан рационал фойдаланиш ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришга операцион тайёрлик вазифаларни қўйиш ва уларни ҳал қилиш малакаларининг мавжуд бўлишини, фикрий ҳатти-ҳаракатлар ва амалларни амалга ошириш малакасини; маълум амалларни ажратиб кўрсатиш ва ўзлаштириш малакасини, эшитиш, кузатиш малакасини, ўз вақтини ва ишини режалаштириш малакасини, ўқувчиларда табиатдан рационал фойдаланиш ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш учун материални танлаш малакасини, талабаларда ўқувчиларни шу ишга қизиқтира олиш малакасини, болалар билан табиатдан рационал фойдаланиш ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш бўйича иш методларини ва шаклларини аниқлаш малакасининг мавжуд бўлишини кўзда тутди.

Билимлар устида онгли амаллар бажаришда, мавжуд билимлардан янгиларини, шунингдек билиш малакаларини, ақлий фаолият усулларини эгаллаш учун фойдалана олиш қобилиятида ифодаланадиган билимлар самарадорлиги кичик мактаб ёшидаги болалар билан табиатдан рационал фойдаланиш ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш бўйича ишлашга операцион тайёрлик шакллантирилганининг натижаси ҳисобланади.

Рефлексив иш болалар билан ишлашда ўзининг фаолиятига адекват баҳо бера олиш имконини берадиган ҳатти-ҳаракатларни ўз ичига олади. Улар орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: болалар билан ишлаш натижаларини адекват баҳолаш малакаси; ўз педагогик фаолиятининг ютуқлари ва камчиликларини таҳлил қилиш малакаси; келажақда

бажарилиши керак бўлган вазифаларни ҳамда уларни амалга ошириш йўллари таҳлил қилиш ва режалаштириш масаласидир.

Баён қилинган кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда табиатдан рационал фойдаланиш ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришга талабаларнинг тайёрлиги тузилмаси ва мазмунига мос равишда биз қаралаётган тайёрликнинг компонентларини аниқлаш имконини берувчи мезонларни аниқладик:

1. Табиатдан рационал фойдаланиш ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришга ундовчи таъсирчан мотивларнинг мавжуд бўлиши.

2. Билиш фаолиятининг асосини ташкил қилувчи назарий билимлар даражаси.

3. Табиатдан рационал фойдаланишни шакллантиришга оид фаолиятни ташкил қилиш ва амалга оширишда болалар билан ишлаш малакаларининг шакллантирилганлик даражаси.

4. Болаларда табиатдан рационал фойдаланиш ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш бўйича олиб борган ўз ишларини баҳолай олиш.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг табиатдан рационал фойдаланиш ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришга тайёргарлиги динамикаси ва анъаналарини аниқлаш мақсадида биз санаб ўтилган мезонларни узлуксиз бирликда ҳисобга олувчи мажмуавий кўрсаткични киритдик, - бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг мактаб ўқувчиларида табиатдан рационал фойдаланиш ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришга тайёргарлиги даражаси. Бунда талабаларни келгусидаги табиатдан рационал фойдаланиш ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш фаолиятига тайёрлашнинг ривожланиши камида учта асосий даражани босиб ўтади.

Бошланғич таълимда табиат таълими мазмунининг негизи қуйидагиларни ўзичига олди: бизнинг мактаб, бизнинг маҳалла, кўчада юриш ва табиатда ўзини тутиш қоидалари, кун тартиби, шахсий гигиена қоидалари, жонли ва жонсиз табиат, табиат ҳодисалари, жисм ва моддалар, маданий ва ёввойи ўсимликлар, ўсимликлардаги мавсумий ўзгаришлар, маданий ўсимликларни парвариш қилиш ва ҳосилини йиғиш, деҳқонларнинг баҳор, ёз ва куздаги меҳнати, ҳайвонот дунёси, уй ва ёввойи ҳайвонлар, ҳашаротлар, қушлар, сувда яшовчи ҳайвонлар, ҳайвонларнинг яшаш шароити, одамнинг ички ва ташқи органлари, саломатликни сақлаш, сувнинг уч ҳолати, табиатда сувнинг айланиши, об-ҳаво, атмосферадаги ҳодисалар, булут ва ёғинларнинг ҳосил бўлиши, коинот, юлдузлар, қуёш – энг яқин юлдуз, ойнанинг ер атрофида айланиши, кун ва тун, йил

фаслларининг даврий алмашилиши, яримшарлар харитаси, табиий харита, ер юзасининг асосий шакллари, ер юзаси табиатини хилма-хиллиги, ўлкамиз табиати: тоғ ва текисликлар, чўллар, ўрмонлар, кўл ва сув омборлар, ер ости бойликлари, мамлакатимиз пойтахти, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасининг табиати, инсон ва табиат орасидаги муносабат, табиатни муҳофаза қилиши масалалари ёритилган.

Ватанимиз ва чет эл муаллифларининг асарларида “тасаввур” тушунчасининг муаммосини ўрганиб, биз “тасаввур” тушунчасига ёндошувларда фарқ борлигини аниқладик. Биз ушбу тушунчанинг қуйидаги таърифини қўладик: тасаввурлар – бу предметлар ва ҳодисаларнинг берилган моментда идрок этилмайдиган, бироқ ўқув ёки кундалик фаолиятда олинган аввалги тажриба асосида тикланадиган руҳий акс этиш жараёни

Изчил образларни кўпинча кўриш соҳасида кузатиш мумкин бўлади. Улар шунингдек эшитиш ва тери орқали ҳис қилишда ҳам учраши мумкин, бироқ уларда заифроқ ифодаланади ва анча қисқа вақт давом этади. Изчил образлар сенсорли изларнинг сақланиб қолиши натижаси ҳисобланади ва ҳис қилиш хотирасининг энг содда кўриниши ҳисобланади. Улар кўз тўрпардасида юз берадиган кўзғатилиш ҳодисаларини акс эттиради.

Изчил образлар – бу кўзғатувчининг ҳис қилиш органларига таъсир кўрсатганидан кейин бирор вақт давомида у (кўзғатувчи) мавжуд бўлмаса ҳам сақланиб қоладиган образлар. Улар секин-аста ўзининг ёрқинлигини ва аниқлигини йўқотиб боради. Изчил образлар ҳодисаси тўрпарданинг кўзғатилиши ўзининг оқибат натижаларга эгаллиги билан тушунтирилади. У кўриш орқали ёруғликни ҳис қилиш компонентининг идрок этилаётган рангга сарфланадиган маълум фракциясини сарфлайди, ва шунинг учун ҳам назарини объектдан четга бурганида аввал идрок этилган образнинг кўшимча рангларга бўялган силуетнинг изи қолади. Изчил образ эркин бошқарилмайди. Уни янгитдан чақириш мумкин эмас. Содда изчил образларнинг мураккаб образлардан, хотирадан фарқи айнан ана шундан иборат.

Тушунчалар билан бир қаторда тасаввурлар воқеликда йўналиш олишни таъминловчи шартлардан бирини ташкил қилади, атроф оламни билиш жараёнида назарий ва амалий масалаларни ҳал қилиш асосини беради. Шунга қарамасдан, тасаввур ўрганилаётган предметнинг ёки ҳодисанинг моҳиятини очиб бермайди .

Болаларнинг атроф олам ҳақидаги тасаввурларини ривожлантириш масалалари чет эл психологиясида ўз аксини топган. Улар билиш

жараёнларини ўрганиш схасининг ўта йириш мутахассиси Ж.Брунернинг эътиборини жалб қилган. Ж.Брунер [1] боланинг атроф оламни билиши турли шаклдаги тасаввурларни ривожлантириш асосида юз беради, деган хулосага келати.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Брунер, Дж. Психология познания: за пределами непосредственной информации / Дж. Брунер. - М.: Прогресс, 1971. - 412 с.
2. Abdullaeva, B., & Toshtemirova, M. (2020). Improving the methodological preparation of future primary school teachers to form their attitude to the environment. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(6), 1159-1162.
3. Toshtemirova, M. A. (2021). A MODEL FOR THE FORMATION OF STUDENTS' RESPONSIBLE ATTITUDES TOWARDS THE ENVIRONMENT FOR FUTURE PRIMARY SCHOOL TEACHERS. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS*, 2(10), 158-162
4. Арнхейм, Р. Визуальное мышление / Р. Арнхейм // Хрестоматия по общей психологии: психология мышления / под ред. Ю.Б. Гиппенрейтер, В.В. Петухова.-М;Изд-во Моск. ун-та 1981, —400 с
5. Философский словарь /Подред. И.Т.Фролова. 5-е изд, - М.: Политиздат, 1986. - 469 с
6. Каптерев, П.Ф. Избранные педагогические сочинения / П.Ф. Каптерев. -М., 1982. - С. 358.
7. Juraeva, K. (2021). PRINCIPLES OF USING NETWORK TOOLS IN IMPROVING THE METHODS OF DISTANCE TEACHING "HUMAN ANATOMY AND PHYSIOLOGY" IN HIGHER EDUCATION. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS*, 2(10), 133-137
8. Turkistonova Maftuna. Importance of pea plant in improving soil. Fertility and morphological characteristics of pea plant.//European Journal of Interdisciplinary Research and Development-2022.13-15 p.l